

## **ТАБИЙ ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР.**

Каримова Наргиза Орзикуловна

Жиззах вилояти ФВБ Ҳаёт фаолияти  
хавфсизлиги ўқув маркази ўқитувчиси

### **Аннотация:**

Фавқулодда вазият хавфли табий ҳодисанинг намоён бўлиши натижасида инсон ҳаёти ва атроф-муҳитга ҳақиқий хавф туғилгандагина юзага келади. Ушбу мақолада табий хусуссиятли фавқулодда вазиятлар ва уларда тўғри ҳаракат қилиш тўғрисида тушунчалар берилб үтилган.

**Калит сўзлар:** табий оғат, фавқулодда вазият, аҳолини тайёрлаш, ҳаётий фаолият.

Мамлакатимиз географик жиҳатдан шундай бир минтақада жойлашганки, табиатнинг бирор бир турдаги инжиқликлари бу ўлкани минг афсуски четлаб ўтмаган.

Жумладан, табий ҳодисалардан - ер қимирлашлари, силжишлари, ўпирлишлар, қор кўчишлари, кучли ёғингарчиликлар, довуллар ва бошқа фожиали оқибатга олиб келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар минтақамиизда тез-тез бўлиб туради.

Шунинг учун ҳам республикамиз ҳудудида фавқулодда вазиятлар юзага келтирадиган ҳавф йўқ эмас, деб айта олмаймиз. Улар ҳақида аҳолига тўла маълумот бериш, улар юз беришини олдини олиш мумкинлиги, содир бўлганда қилиниши керак бўлган тадбирлар ҳақида йўл-йўриқ бериш, уларга ўргатиш ниҳоятда долзарб масала ҳисобланади.

Табий оғатлар инсоният бошига оғир кулфатлар солувчи, экологик муҳитга, ҳалқ хўжалигига беқиёс зарап етказувчи ҳодисалар бўлиб, улар ҳар йили мамлакатимиз-нинг турли ҳудудларида содир бўлиб туради, ҳар йили турли-туман табий ҳодисалар мамлакатимизнинг у ёки бу ҳудудларида содир бўлиб туриши узоқ йиллик кузатишлардан маълум. Масалан; Самарқанд ва Фарғона вилоятларида сел ва кўчки ҳодисалари, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳудудларида сув тошқини, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эса чанг - тўзонли шамоллар, «Афғон» шамоллари содир бўлиб туради.

Табиий офат, бу инсонга бўйсунмас куч ва катта талофатлар келтириб чиқарадиган табиий ҳодисадир. Сайёрамиз аҳолисига жуда катта зарар етказади. Дунёда шу даврга қадар табиий офатлар доимий равишда бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Табиий офат - бу табиатда юз берадиган фавқулоддаги ўзгариш бўлиб, у бирдан, тезликда инсонларнинг мўътадил яшаш, ишлаш шароитларининг бузилиши, одамларнинг ўлими ҳамда қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг, моддий бойликлар-нинг йўқ бўлиб кетиши билан тугайдиган ҳодисалардир.

Табиий офатларнинг турлари жуда хилма-хил: ер силкиниши, сув тошқини, кучли шамол, ёнгин, қурғоқчилик, ер сурилиши ва бошқалар. Бу хилдаги табиий офатлар бир-бирига боғлиқ ҳамда боғлиқ бўлмаган ҳолда, алоҳида юзага келиши мумкин. Яъни бир табиий офатнинг бошқа офат оқибатида юзага келишидир. Масалан, ер қимирлаши натижасида, ёнғинлар келиб чиқиши, қорларнинг кўчиши ва кўчки натижасида сув тошқинлари ва бошқа офатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Хеч нарсага боғлиқ бўлмаган табиий офатлар жуда катта миқёсда ва турли вақтларгача бир неча сония дақиқадан (ер сурилиши, ер силкиниши, қор кўчиши) бир неча соатларгача (кучли қор ва ёмғир ёғиши), ҳатто бир неча кун ва ойгача (сув тошқини ва ёнгин бўлиши ) чўзилиши мумкин.

Лекин бу хилдаги табиий офатлар ҳамма жойларда ҳам юзага келавермайди. Жумладан, ер силкиниши, ер сурилиши офатлари кўпроқ тоғли худудларда кузатиладики, бунинг оқибатида нафақат инсонлар, балки ҳалқ хўжалиги тармоқлари, ҳатто атроф-муҳит қаттиқ шикастланади ва зарар кўради.

Яна кучли ёғингарчилик, қор ёғиши натижасида сув тошқини кузатиладики, оқибатда, фуқароларнинг яшаш жойлари, саноат корхоналари, темир ва магистрал йўллари, гидротехник иншоотлари издан чиқади.

Ҳудди шунга ўхшаш таъсиrlар ер сурилиши, қор кўчиши, қурғоқчилик, кучли шамоллар таъсирида ҳам кузатилиб, охир-оқибатда инсонлар катта, ҳам маънавий, ҳам моддий зарар кўрадилар.

Аммо, барча табиий офатнинг турлари ҳам ҳамма жойда кузатилавермайди. Табиий офатнинг ҳар қайси шакллари ўзларининг физик маъносига, келиб чиқиш сабабларига, ўзларининг тавсифига, қучига ва ташқи атрофига таъсир кўрсатиш ҳусусиятларига эга. Бу табиий офатлар бир-биридан фарқ

қилишидан қатъий назар, улар бир умумий ҳусусиятга эга. Яъни уларнинг таъсири жуда кенг миқёсда бўлиб, ўзини ўраб турган атроф-мухитга жуда катта таъсир қучини кўрсатади ҳамда инсонлар руҳиятига жиддий зарба беради.

Шунинг учун бу табиий оғатларнинг ўз вақтида билиб, унинг тавсифлари ва сабаблари аниқ ўрганилса, бу оғатларнинг олдини олиш ёки уларнинг заарар келтириш ҳусусиятларини бирмунча камайтириш мумкин бўлади. Табиий оғатларга қарши кураш чораларидан бири бу ҳалқни ўз вақтида хабардор қилиш ҳисобланади.

Бу эса табиий оғатдан келадиган заарларни бирмунча камайтириш имкониятини вужудга келтиради. Яна табиий оғатлар юз берганда ҳалққа маънавий ёрдам бериш чора-тадбирлари ва қилинадиган бирламчи ишларни тўғри ташкил этиш шакллари энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу ишларнинг бош-қошида фуқаролар муҳофазаси органлари туриб, улар оғат юз берган жойда (уруш ёки тинчлик даврими барибир) ҳалқни бу оғатлардан муҳофаза этиш ва фалокат юз берган жойдан ҳаммани беҳатар жойга қўчириш омилларини амалга оширади.

Ватанимиз худудларида табиий оғатларнинг кўпроқ учраб туриши унинг табиий тузилиши билан боғлиқдир.

Ҳар бир табиий оғат содир бўлиш жойи, сабаби, кўлами, у билан боғлиқ бўлган моддий заарар ва бошқа ҳусусиятлари билан ажralиб туради.

Ҳозирги вақтнинг энг муҳим вазифаларидан бири табиий оғатларни ҳосил бўлиши ва ривожланишини прогноз қилиш, олдиндан давлат органлари ва аҳолини яқинлашиб келаётган оғатдан огоҳ этишдан иборатdir.

Республикамиз худудларида учрайдиган табиий оғатларнинг ҳосил бўлишида геофизик, геологик, гидрогеологик, атмосфера ва бошқа омиллар асосий ўринни эгаллайди. Улар оқибатида ҳаёт хавфсизлиги бузилади, инсонлар нобуд бўллади, ҳалқ хўжалиги обьектларига турли даражада моддий заарар етказилади.

Ўз вақтида тайёргарликдан ўтган инсон ақл-заковати билан фавқулодда вазиятларга қарши тура олиши мумкин. Раҳбарлар ва аҳоли тайёргарлиги замон талаблари асосида олиб борилиши учун тайёргарликнинг узлуксиз олиб борилишига эришмоқ зарур.



Бундай мақсадга эришишнинг асосий йўли аҳолининг барча қатламларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш, яъни- аҳолини ўқитиш, таҳдид манбаларини англай олишга, улардан ўзини муҳофаза қилишга тайёрлашдан иборатdir.

Фавқулодда вазиятлар ҳар бир инсоннинг ҳаётий фаолиятига таъсир кўрсата олар экан, уни олдини олиш, муҳофазалиниш, оқибатларини бартараф этиш, кўриладиган талафотларни иложи борича минималлаштириш, бундай шароитларда иқтисодиёт обектлари фаолиятини барқарорлигини таъминлаш бўйича билим ва кўникмаларни ҳар бир инсонга бэрилиши, яни уни тайёрлаш ва ўқитиш тизими барча аҳоли қатламларини қамраб олиши керак.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 20 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонуни.
- 2.Ўзбекистон Республикаси 2000 йил 26 майдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида” Қонуни:
- 3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19998 йил 27 октябрдаги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли Қарори.